







хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим баравари миқдорда йиллик суғурта тўловларини ихтиёрий равишда тўлаш тартиби жорий этилади, бунда тўловлар амалга оширилган даврлар белгиланган тартибда меҳнат стажига қўшилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ой муддатда минимал рентабелли янги иш ўринларини яратишга қаратилган ижтимоий корхоналарни давлат-хусусий шериклик шартларида ташкил этиш механизмларини жорий қилиш бўйича, ушбу мақсадларга Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағларини йўналтиришни назарда тутган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Агентлик барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Агентликнинг бошқарув ходимлари ҳисобидан масъул ходимларни Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тақдим этиладиган мансабдор шахслар рўйхатига киритиш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда меҳнат қонунчилигини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтириш, шунингдек, қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикасининг бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш.Д. Қудбиевга юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри